

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА УЙҒОНИШ ДАВРИ

Чирчиқ шаҳар 1-сон техникуми
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчи
Ф.О. Расулова.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатларида юз берган том маънодаги Уйғониш даври яъни жуда кўплаб олим ва алломаларимизнинг етишиб чиқиши, тинимсиз ўқиб, изланишлари натижасида фаннинг турли соҳаларини ўз билим, салоҳияти ва тафаккурлари билан бойитиб, ўз даврининг қомусий олим даражасига кўтарила олганликлари каби маълумотлар баён этилди.

Калит сўзлар: Уйғониш даври, муаллими соний, “Шайхур раис”, маънавият, маданият, тафаккур, ақл-идрок, илм, ижод, аллома, қомусий олим.

IX - XV асрларда Яқин Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда, Марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий тараққиётида, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, фалсафий таълимотлари ривожланишида кескин ўзгариш, туб бурилиш даври бўлди. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётини қамраб олди. Ижтимоий тараққиётнинг ана шу даврларида Марказий Осиё халқлари халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олдилар. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ва марказий ўчоқларидан бирига айланиши худди шу даврга тўғри келади.

Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари сафидан ўзининг ақл-идроки ва тафаккури, қомусийлиги билан инсониятни лол қолдирган қолдирган фан ва маданиятнинг сўнмас юлдузлари, жаҳонга машҳур бўлган математик, астороном, химик, минеролог ва тиббиётчилар, шоир, ёзувчи ва санъатшунослар, тасвирий санъат ва наққошлик илми арбоблари, дунё тан берган файласуфлар, ғазал

мулкининг султонлари, “муаллими соний” ва “Шайхур раислар” саф-саф бўлиб етишиб чиқдилар.

Буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди етишиб чиққан, олам узра доврۇ таратган, жаҳонни илм, маърифат ва маънавият нури билан ёритган давр, адолат талаби бўйича, Шарқ тарихида олтин аср ёки “Уйғониш даври” деб аталади.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийликлари, айна бир пайтда ҳам файласуф, мусиқашунос, ҳам мантиқшунос, жамиятшунос ва адабиётчи, тарихчи, шоир, математик, хуллас, илмнинг ҳамма соҳаларидан хабардорликлари, ижоднинг бир неча соҳаларида ўзларини кўрсатганликлари билан ажралиб турадилар. Шарқ улуғ сиймоларининг кишини лол қолдирадиган жиҳатларидан бири сифатида бир неча тилда бемалол гаплаша олганликлари, ўша тиллардаги илмий манбалар, асарлардан бемалол фойдалана олганлар. Уларнинг ба

МУҲАММАД МУСО АЛ- ХОРАЗМИЙ (783-850)

Шарқ Уйғониш даврини бошлаб берган буюк қомусий олим Муҳаммад Мусо Хоразмий 783-йилда Хоразмда туғилган ва 850-йилда Бағдодда вафот этган. Хоразмий илмий ижодий фаолиятининг жуда катта даври халифа Маъмун раҳнамолигида ислом Шарқининг Фанлар академияси —“Байтул-хикма”(Донишмандлар уйи)да ишлади.. Бу илм даргоҳида у жуда кўплаб асторономик кузатишлар олиб борди, математика ва асторономларнинг катта бир илмий жамоасига устозлик қилди ҳамда ўзининг кўпгина шоҳ асарларини ёзди.

Асарлари: 1) Ал-жабр вал-муқобала. Бу асар Ғарб ва шарқ олимларига алгебра фани бўйича дастур бўлиб хизмат қилган. Алгоритм ва Алгебра фанлари ҳам Хоразмий номи билан бевосита боғлиқдир.

2) Китоб суръат-ал арз (Ер суръати), 3) Асторономик жадваллар; 4) Қуёш соати тўғрисида рисола; 5) Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола; 6) Устурлоб қуриш ҳақида китоб; 7)Зиж (астрономик жадвал); 8) Мусиқа бўйича рисола; 9) Тарих бўйича рисола ва бошқа кўплаб нодир асарлар Хоарзмий қаламига мансубдир.

Фалсафий қарашлари: “Инсон ўзининг тиришқоқлиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Оллоҳ ато этган ақл-идрок, қобилият ва истеъдоди билан, дейди Хоразмий, дунёни аста-секин билиб боради”.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (870-950)

Нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилган ва бениҳоя катта ҳурматиға сазовор бўлиб келаётган буюк мутафаккир, Уйғониш даврининг 2-етук алломаси, қомусий олим Абу Наср Форобий - жаҳон илм фани, фалсафий таълимотиға катта ҳисса қўшди. Шарқ халқларида унинг номи улуғланиб “муаллим ас-соний” – “иккинчи муаллим” деб юритилади. 70 дан ортиқ тилни билган.

Форобий илмнинг барча соҳалари бўйича ижод қилди, буюк асарлар ёзди. Фан оламида нодир асарлар ёзган буюк алломалардан биридир. XII – XIII асрларнинг йирик олими ал-Байҳақийнинг фикрича, **ислом ўлкалари олимлари орасида унга тенг келадиган одам дунёға келган эмас**, дейди.

Асарлари: 1) Фозил одамлар шахри; 2) Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?; 3) Фалсафий саволлар ва уларға жавоблар; 4) Логикаға кириш; 5) Шеър санъати; 6) Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида; 7) Мусиқа ҳақида сўз; 8) Оҳанглар таснифи ҳақида китоб; 9) Масалалар булоғи; 10) Ақл тўғрисида; 11) Инсон аъзолари тўғрисида; 12) Давлат ҳақида каби ва бошқа 160 дан ортиқ хилма-хил қимматли асарлар ёзган.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973-1048) хоразмлик буюк қомусий олим, нафақат Марказий Осиё ва шарқда, балки жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. Беруний ўз замонасидаги олимлар пешвоси бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонлар, даврларнинг ҳам энг улуғ ва мўътабар сиймосидир. Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурини илму фан асосларини ўрганиўга сарфлади. Шунинг учун ҳам Шарқда Беруний ҳақида, тинчликни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, қўли қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан ҳеч қачон тўхтамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларидан унумли фойдаланган, дейишади.

Беруний 160 яқин асар ёзган. Унинг асарлари астрономия, математика, география, геодезияга, каротграфияга, об-ҳаво масалаларига, минерология, физикага, доришауносликка, тарих ва этнографияга, фалсафага, динга, риторика ва мусикага, адабиётга, хуллас, илмнинг ҳамма соҳаларига бағишланган.

Асарлари: 1) Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар; 2) Ҳиндистон; 3) Минерология; 4) Геодезия; Қонуни Маъсудий каби йирик асарлари шулар жумласидандир.

Фалсафий қарашлари: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида оламнинг пайдо бўлиши, одамларнинг пайдо бўлиши, тилларнинг пайдо бўлиши, одамларнинг ранглари ҳақида бир қатор фикрларини билдириб ўтади.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037)

Инсоният Абу Али ибн Синони жаҳон фани ва маданиятининг юқори чўққиси, Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири сифатида билади ва эъзозлайди.

Буюк аллома бор-йўғи 57-йил умр кўрди. Бу умрдан 18-йили илм таҳсилига сарф бўлди. Умрининг кўп вақти зиндонда, талон-тарож бўлиш ва ўлим хавфи остида ўтди. Аммо шу йиллар давомида бениҳоя кўп илмий ишлар ёзди. Ибн Сино тўрт юздан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм-фаннинг барча соҳаларига тааллуқлидир. Шундан 242 таси бизгача етиб келган. Ибн Сино ўз асарлари билан Марказий Осиё маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан. Шунинг учун ҳам уни “Шайхур-раис”-Олимлар бошлиғи деб аташган.

Асарлари: 1) Китоби ат шифо; (даволаш китоби); 2) Донишнома; 3) Нажот; 4) Китоб-ул инсоф (адолат китоби); 5) Тиб қонунлари кабилардан иборат.

Бугун биз Шарқ Уйғониш даври 1-ренессанси алломаларининг жуда кам қисми билан танишдик, кейинги маълумотларда яна кўплаб маънавият юлдузларимиз ва уларнинг илмий изланишлари ҳақида суҳбатлашамиз.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Н.Шермухаммедова: Фалсафа. Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2012 й.

2. Хайруллаев М.М. Маънавият Юлдузлари. –Т.: 2001.
3. Хайруллаев М.М. Маънавият Юлдузлари. –Т.: 2001.
4. Ж.Туленов, Гафуров З. Фалсафа. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
- 5.Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Шарқ. 2004.